# Халқ депутатлари Наманган тумани Кенгашининг
# ҚАРОРИ

2022 - yil 7 - aprel VI-38-43-6-82-K/22 Namangan tumani hokimligi

**Тумандаги “Курмак” маҳалла фуқаролар йиғини номини “Яшнаобод” маҳалла фуқаролар йиғинига ўзгартириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатида нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мамлакатда давлат тилида иш юритишни самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 20 январдаги 34-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги кадастр агентлигининг 2021 йил 29 сентябрдаги 08-05358-сонли хати ижросини таъминлаш мақсадида Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиянинг 2021 йил 11 ноябрдаги 4-сонли баённомаси ва тумандаги “Курмак” маҳалла фуқаролар йиғинини номини “Яшнаобод” маҳалла фуқаролар йиғинига ўзгартириш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6,- 24-моддаларига асосан Халқ депутатлари Наманган туман Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиянинг 2021 йил 11 августдаги 4-сонли баённомасига мувофиқ тумандаги “Курмак” маҳалла фуқаролар йиғини номини “Яшнаобод” маҳалла фуқаролар йиғинига ўзгартириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Туман статистика бўлими (Х.Собиров), кадастр агентлиги туман бўлими (Н.Тошпўлатов) ҳамда туман қурилиш бўлими (У.Холматов) бошқа тегишли мутасадди давлат органлари билан биргаликда номлари ўзгартирилган маҳалла фуқаролар йиғинини давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

3. Туман қурилиш бўлими (У.Холматов)га туман ободонлаштириш бошқармаси билан биргаликда амалда белгиланган тартиб асосида номи ёзилган кўрсаткич ва белгилар ҳамда пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида ўрнатилишини таъминлаш вазифаси топширилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (М.Нўъмонов) номи ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига ва мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Халқ депутатлари Наманган туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожлантириш масалалари (ёшлар сиёсати ва соғлом авлод) бўйича доимий комиссияси раиси Т.Сиддиқова зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими** **С.Мўминов**